Financial and Economic Sustainability
FINECS ISSN-2181-1636 Vol. 3, Issue 1, Jan, 2023
https://finecs.net

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ АНИҚ ҲИСОБГА ОЛИШ ТИЗИМИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Navruz Ganiyev
Tax committee of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *in this article, suggestions and recommendations have been developed as a result of the research conducted on current issues of accounting for water resources in our country and existing problems in taxation of consumers.*

Key words: *irrigation systems, rain irrigation, drip irrigation, modern automated system of using water resources*

КИРИШ.

Ўзбекистон Республикаси ўтган асрнинг 70-80 йилларида Амударё ва Сирдарёдан ҳар йили 74,1 км^3 сув олган, шунинг 28,4 км^3 Амударёга, 10,9 км^3 Сирдарёга, 19,2 км^3 ички кичик дарёларга, 12,6 км^3 ер ости ва коллектор сувларига тўғри келган. Ҳозир Ўзбекистон олаётган сув 1980-йиллардаги миқдорнинг 79 фоизини ташкил қилади.

Қурғоқчилик йилларида Амударё ва Сирдарёдан сув олиш ҳажми 8-10 км^3 га камаяди ва суғоришда 49,0 км^3 миқдоригача сувдан фойдаланамиз. Ўзбекистон ички дарёларининг ўртача кўп йиллик сув ресурслари 11,5 км^3 бўлиб, бу республика сув эҳтиёжи умумий миқдорининг 18 фоизини ташкил қилади.

Амударё Ўрта Осиёдаги энг серсув дарё бўлиб, узунлиги 2 540 км, майдони 309 минг км^2. Унинг 74 фоиз суви Тожикистонда, 13,9 фоизи Афғонистон ва Эронда, 8,5 фоизи Ўзбекистонда шаклланади .

Ҳозирги пайтда Амударёнинг Вахш ирмоғида Норак ГЭСИ ва сув омбори мавжуд. Норак сув омборининг сув сиғими 10,5 км^3 бўлиб, сув миқдори бўйича Тўхтагул сув омборидан кейин иккинчи ўринда туради. Норак сув омборининг энергетик режимга ўтиши Ўзбекистондаги сув таъминотига таъсир кўрсатиши мумкин. Сув кам бўлган қурғоқчил йилларда Амударёдан келадиган сув 5,0-6,0 км^3 камаяди. Ўзбекистон ва Туркманистон Республикаларидаги бир неча миллион гектар суғориладиган ерларда сув етишмаслигини келтириб чиқариши мумкин.

Агарда Роғун сув омбори ишга туширилса, унинг сув сиғими Норак сув омборидан ҳам катта бўлиб 12,4 км^3 ни ташкил қилади. Ушбу сув омборлари ҳисобига вегетация даврида сув камайиши 22,2 фоизгача, қурғоқчилик йилларида эса 30-40 фоизга етади.

Вахш дарёсида Норак ва Роғун ГЭС ларидан ташқари Сангтўда, 1-2 та ГЭС ларини қуриш ва Норин дарёсидаги сув омборлари сув сиғимини 25 км^3 га етказиш лойиҳалари бор. Шу билан бирга Амударёнинг энг катта ирмоғи ҳисобланган Пандж дарёсида Рушан, Даштижум, Юқори Амударё ва бошқа ГЭС лар ва сув омборларини қуриб 39,0 км^3 сувни тўплаш ва улардан электр энергия ишлаб чиқариш лойиҳалари бор[1].

[1] https://www.samdu.uz/cy/news/31280

Амударё сувидан максимал даражада фойдаланиш қўшни Афғонистон давлати режасида ҳам бор. 2022 йил 31 март куни “Толибон” ҳукумати мамлакат шимолидаги йирик канал қурилиши лойиҳаси тақдимотини ўтказган. Унга кўра, Балх вилояти ҳудудида Амударёдан бошланадиган Қўштепа канали қурилмоқда.

Мазкур канал қуриб битказилса, дарёнинг деярли 10 куб километр, яъни учдан бир қисм суви Афғонистоннинг ичкари ҳудудларига оқиб кетади. Бу эса Хоразм, Бухоро, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек Туркманистон учун жиддий оқибатлар яратиши мумкин[2].

Юқорида келтирилган фактлардан шу нарсалар аниқ кўриниб турибдики, Ўзбекистонда сув муаммоси йилдан-йилга кучайиб бориши мумкин. Келажакда Республикамизда сув таъминотини яхшилаш, мавжуд сув ресурсларини оқилона ва тежамкор фойдаланиш илмий асосланган янги технологиялар базасида ташкил қилиниши керак. Биринчи навбатда, ҳозирги суғориш тизими модернизatsiя қилиниб, сувни йўқотиш ҳолатларини кескин камайтириш йўлларини амалга ошириш зарур.

Мутахассислар маълумотлари бўйича сув манбаларидан каналлар, ариқлар орқали суғориш даласига қадар етиб борганча сувнинг 25 фоиздан 40 фоизгача йўқотилади.

Бу йўқотиш канал, ариқларда ерга сингиш (филтрация), буғланиш, оқиб кетиш ва бошқа йўллар билан рўй беради. Суғориладиган экин далаларидан зовурлар, коллекторлар орқали катта миқдордаги сув чиқарилади. Уларнинг миқдори йилига 28,0-33,0 км^3 ни ташкил этади.

Ҳозир рўй бераётган глобал иқлим ўзгаришлари музликларнинг кўпроқ эришига, оқибатда музликлардан доимий қорлардан бошланадиган дарёлар сувларининг келажакда анча камайиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлар кўплаб учрамоқда. Ушбу табиий ўзгаришлар келажакдаги иқлим ўзгаришига ҳозирдан мослашиш йўлларини ҳозирдан кўришимиз шартлигини кўрсатмоқда.

Хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси.

Фойдаланилган сув ресурсларини ҳисобга олиш ва улардан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилганда бир қатор тизимли ечимлар топилганлигини кўриш мумкин. Жумладан,

Туркия Республикасида барча сув ресурслари танқис бўлган мамлакатларда улардан самарали фойдаланиш бўйича пилот лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2012-2017-йиллар давомида Каяжик ирригация тизими автоматлаштирилиб, бунда:

- мавжуд каналларнинг **95 фоизи** қувур линияси (босимли) суғориш тизимига ўтказилган;
- ҳар бир истеъмолчига сув ўлчаш ускуналари ўрнатилган;
- томчилатиб ва пурковчи суғориш тизими жорий этилган;

[2] https://kun.uz/news/2023/02/16/amudaryo-suvi-keskin-kamayishi-mumkin-toliblar-qurayotgan-qoshtepa-qanday-kanal

- суғориш насослари учун сарфланган электр энергияси учун субсидиялар ажратилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати қиймати **4,4 млн.АҚШ** долларини ташкил этган.

Ушбу лойиҳа натижасида бир гектар ер майдони учун сарфланган сув ҳажмининг **2 баробарга** ва ҳосилдорликнинг **1,5 баробарга** оширилишига эришилиб, лойиҳа ижобий баҳоланган.

Туркияда истеъмол қилинадиган сувнинг **74 фоизи** *(44 млрд.м3)* қишлоқ хўжалигида ишлатилади. Амалга оширилаётган лойиҳалар натижасида қишлоқ хўжалигидаги замонавий суғориш тизимлари **6 фоиздан 29 фоизга** оширилди. Лойиҳалар якунланган ушбу кўрсаткич **94 фоизга** етказилиши кутилмоқда

Замонавий ёпиқ тизимли босимли қувурли суғоришга ўтиш натижасида ёмғирли суғоришда **35 фоиз**, томчилатиб суғоришда **65 фоиз** сув тежамкорлиги таъминланмоқда.

Ўтказилган тажриба лойиҳасининг самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида маълумот[3]

Йиллар	Етиштирилган қишлоқ хўжалиги махсулотлари (АҚШ доллари)	Жами харажатлар *(АҚШ доллари)*	Суғориш учун ажратилган сув ҳажми (м3)	Суғорилган ер майдони (га)	1 гектарга сарфланган сув ҳажми (м3)	1 гектарда етиштирилган ҳосил миқдори (АҚШ доллари)
2012	16 041 096,0	717 242	87 150 000	11 754	7 414,5	1 364,7
2013	13 883 560,0	1 029 042	81 872 010	11 116	7 365,2	1 249,0
2014	113 541 657,0	585 857	57 480 000	8 245	6 971,5	13 771,0
2015	16 977 217,0	753 404	66 400 000	9 866	6 730,2	1 720,8
2016	20 398 898,0	598 747	68 412 000	14 543	4 704,1	1 402,7
2017	40 967 985,0	678 664	70 640 000	19 528	3 617,4	2 097,9

2.2 Хитой халқ республикаси ҳукумати томонидан мамлакатнинг шимолий қисмидаги 6 та провинцияларда **Prepaid Smart Meter System** (PSMS) - олдиндан пул тўланадиган ақлли ҳисоблагич тизими қатъий тарзда амалиётга жорий этилмоқда.

бунда:

- ҳар бир ер ости сувлари қудуқларига ақлли сув ўлчагичлар ва тўлов терминаллар ўрнатилган;

- ҳар бир истеъмолчининг сув кириш нуқталарига сув ўлчаш ускуналари ўрнатилган ва бунинг учун давлат томонидан субсидиялар ажратилган;

- томчилатиб ва пурковчи суғориш тизими жорий этилган;

3 https://www.researchgate.net/publication/48854948_Pricing_Irrigation_Water_A_Review_of_Theory_and_Practice

- сув йўллари қувурлаштирилган.

Бунда ҳар бир истеъмолчига тўловларни амалга ошириш учун **тўлов карталари** берилган. Истеъмолчи фойдаланиши кутилаётган сув ҳажми учун **тўловларни амалга оширгандан сўнг** қудуқларга ўрнатилган насослар автомат тарзда сув етказиб беради. Бунда ҳар бир истеъмолчи учун белгиланган квоталар қатъий назорат қилинади. Табиий ҳолки истеъмолчилар мавжуд ресурслардан оқилона ва мақсадли фойдаланиши кўрсаткичи энг юқори даражагача кўтарилади.

Исроил сув ресурсларидан самарадорлик билан фойдаланиш бўйича дунёдаги энг етакчи давлат ҳисобланади. Бунда

- 1965 йилда томчилаб суғориш амалиёти жорий этилган;

- мамлакатдаги барча асосий сув йўллари қувурлаштирилган;

- ҳар бир ҳудудда сувни тўплаш учун ҳавзалар ташкил этилиб, фойдаланилган сув ресурсларини қайта ишлаш тизими жорий этилган;

- сув ресурсларининг **86 фоизи** *(Европада 2%)* қайта ишланмоқда. Бунда шаҳарларда истеъмол қилинган сувлар тозаланиб қишлоқ хўжалигига йўналтирилади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

Дероубах & Левек (2006) экологик муҳитни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан нафақат энергия маҳсулотларига, балки сув ресурслари каби табиий ресурсларга ҳам солиқ солиниши керак деб ҳисоблайдилар.

Гроз & Шоу (2007) анъанавий ресурс солиғининг ўсиш таъсирини солиштириш учун эндоген ўсиш моделидан фойдаланган ва ресурслар солиғини йиғиш иқтисодий ўсишда муҳим рол ўйнашини аниқлаган.

Ванг ва бошқаларнинг (2015) фикрига кўра сув солиғи сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни ишлаб чиқаришда сувни тежаш даражасини оширади, бироқ минтақавий қишлоқ хўжалиги соҳалари ишлаб чиқаришни камайтиради.

Гао ва Йиннинг (2016) солиқлар қисқа муддатда корхоналар маҳсулотлари нархини оширади, бу корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишга, барқарор иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш ва узоқ муддатда атроф-муҳит сифатини оширишга ёрдам берувчи экологик тоза технологиялар жорий этилишини таъкидлаган.

Порчер (2017) тадқиқотларига кўра сув солиғи сувнинг ифлосланиши ёки ресурслар танқислиги билан боғлиқ ташқи таъсирларни тузатиш ва давлат даромадларини ошириш учун қўлланилади. Ушбу мақолада, 4 000 дан ортиқ француз муниципалитетлари тўғрисидаги маълумотлар тўпламидан фойдаланиб, сув солиғининг солиққа тортилмайдиган сув нархларидан фарқли равишда истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларига қандай таъсир қилишини тўғридан-тўғри кўриб чиқилган. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, солиқнинг **10 сентга** оширилиши сув истеъмолини **0,26 фоизга** қисқартиради.

Ши ва бошқаларнинг (2019 йил) фикрича, сув солиғи сиёсати иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади.

Зоу & Фан (2019) ресурс солиғи ижтимоий ва иқтисодий қийматни ҳисобга олиш кераклигини ва солиқ ставкасини белгилаш ресурсларнинг танқислиги ва қазиб олишнинг ташқи таъсири билан чамбарчас боғланишини билдирди.

Янг ва бошқаларнинг (2020) фикрича сув солиғи экспортни кўпайтириши, юқори сув истеъмол қилиш саноатида сув сарфини камайтиришини таъкидладилар.

Реннинг (2020) таъкидлашича сув ресурслари солиқ сиёсатининг қонунчилик нуқтаи назаридан адолатли йўналтирилиши лозимлиги ва кам энергия сарфловчи ва ифлослантириш даражаси паст бўлган корхоналарни субсидиялаш учун махсус фонд ташкил этиш муҳимлигини кўрсатади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот жараёнида олинган маълумотларга ишлов беришда мантиқий мушоҳада, адабиётларни танқидий ўрганиш, анализ ва синтез, таққослаш ҳамда иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи жорий этилиши натижасида солиқ тўловчилари сони 2022 йил 1 январь ҳолатига **137,3 мингтага** етиб, сўнгги 3 йилда **2,7 баробарга**, тушумлар **684,4 млрд.сўмга** етиб **2,2 баробарга** ўсиши таъминланди.

Шу билан бирга, сув ресурслари ҳисобини юритишнинг эскирган услуб ва принципларига асосланган тизими соҳада замон талабларига мувофиқ ўзгаришларни амалга оширишга ва тизимда ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилмаётганлиги олиб борилаётган ислоҳотларнинг жадаллашишига тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказилган сув ҳажми ҳисоби бўйича истеъмолчилар кесимида маълумотлар базаси шаклланмаганлиги ва солиқ органларига ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ҳамда сабабли 2021 йилда вилоятларга етказилган **38,4 млрд.куб метр** сувдан *(36 фоиз йўқотиш)* **24,6 млрд. куб метри** истеъмолчилар чегарасига етказилган бўлсада, корхоналарнинг солиқ ҳисоботларида **7,7 млрд. куб метри** ёки **31 фоизи** акс эттирилмоқда;

иккинчидан, сув ўлчаш ускуналари ўрнатилмаганлиги ва инновацион технологиялар жорий этилмаганлиги натижасида соҳада инсон омилининг таъсири юқорилигича қолмоқда;

учинчидан, сув истеъмолининг белгиланган нормативлари асосида солиқ солиш амалда ўзини оқламасдан солиқ тўловчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганлиги натижасида солиққа тортишнинг шаффоф механизми яратилмасдан қолмоқда.

Кўриниб турибдики республикамизда сув ресурсларини ҳисобга олиш, улардан тежамкорлик билан мақсадли фойдаланиш тизимини жорий этиш кун тартибидаги энг долзарб ва кечиктириб бўлмас вазифалардан биридир.

Шу сабабли сув ресурсларини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион ечимларини амалиётга жорий этишимиз ва ушбу тизим давлат томонидан турли хил

механизмлар *(солиқ имтиёзлари, субсидиялар ва бошқ.)* орқали қўллаб қувватланиши лозим.

Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сон Қонуни билан Солиқ кодексининг 441-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ сувдан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектларига эга бўлган жисмоний шахслар солиқ тўловчилар сифатида эътироф этилди.

Мазкур ўзгартириш натижасида 2 та муҳим ўзгариш юз берди. Яъни бозордаги рақобат муҳити яхшиланди ва солиқдан қочишнинг энг кенг тарқалган механизми бартараф этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги **“Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-257-сон қарорига мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи истеъмолчилар масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатилиши талаб этилади.

Бунда, 2024 йил 1 январдан бошлаб замонавий сув ҳисоблагичларни ўрнатмаган истеъмолчиларга ичимлик сув таъминоти хизматлари учун сув ҳажмини сув тармоғи уланмасининг сув ўтказиш қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 декабрдаги **“Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги** ПҚ-439-сон қарори билан солиқ тўловчиларга 2024 йил 1 январга қадар ўз тасарруфидаги ер ости сув олиш иншоотларини сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлаш мажбурияти юклатилиб, 2024 йил 1 январдан сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган ер ости сув олиш иншоотларидан фойдаланиш тақиқланиши белгиланди.

Демак кейинги асосий қадам сув ресурсларининг асосий истеъмолчилари бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланилган сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича норматив - ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдур.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон республикасида сув ресурсларини аниқ ҳисобга олиш тизимини йўлга қўйиш, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича маъмурчиликни такомиллаштириш, сув иншоотларида йўқотишларни камайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлашни кўпайтириш ва ирригация инфратузилмаси ҳолатини яхшилаш мақсадида:

1. Давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш ҳисобидан каналларни бетонлаш бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари ва электр энергияси сарфини камайтириш бўйича кескин чора-тадбирлар кўриш ҳисобига насосларни модернизация қилиш учун йўналтириш;

2. Сув иншоотларида босқичма-босқич равишда сув ресурсларидан фойдаланишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш;

3. Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини оширган ҳолда оширилган ставка ҳисобига қўшимча ҳисобланган ва ундирилган солиқ суммасини сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш бўйича махсус сув хўжалиги хизмати ва сув хўжалиги соҳасидаги бошқа хизматларга (кейинги ўринларда махсус сув хўжалиги хизмати деб юритилади) ҳудудларда ирригацияни сақлаш, ривожлантириш, шунингдек, ариқ ва каналларни бетонлаш учун йўналтириш;

4. Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун сув етказиб бериш бўйича махсус сув хўжалиги хизматларига тўловлар бекор қилиш;

5. Сув хўжалиги вазирлиги сув етказиб бериш бўйича махсус сув хўжалиги хизматлари томонидан ерларни суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажмининг тўлиқ ҳисобини юритиш ва фойдаланилган сув ҳажми тўғрисида маълумотларни ўзаро ахборот алмашинув тизими орқали Солиқ қўмитасига тақдим этиш тизимини жорий этиш;

6. Солиқ органларига қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича солиқ ҳисоботини сув хўжалиги хизматларининг электрон шаклда тақдим этган маълумотлари асосида солиқ органлари томонидан шакллантириб бериш амалиёти жорий этиш;

7. Давлат томонидан қўллаб қувватлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналари сув олиш нуқталарида онлайн шаклда сув сарфини ўлчаш ва сувни бошқариш имконини берувчи электрон қурилмалардан фойдаланишга ўтган тақдирда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган солиқ ставкаларини камайтирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда ҳамда мазкур қурилмаларини ўрнатмаган корхоналар учун солиқ ставкаларига оширувчи коэффициентларни қўллаш.

8. Маълумотлар алмашинуви платформасининг биринчи босқичи сифатида тажриба тариқасида бирорта ҳудудда қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришда фойдаланилган сув ресурсларини автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва сув ресурслари истеъмолчиларга электрон буюртма асосида етказиш тартибини эксперимент тариқасида жорий этиш таклиф этилади.

REFERENCES:

Дероубах,Ж. Ф.Левек Ф. (2006). Франция экологик солиқ ислоҳотининг юксалиши ва тушиши: энергия солиғини амалга ошириш жараёнида ижтимоий мақбуллик ва сиёсий мақсадга мувофиқлик / The rise and fall of French ecological tax reform: social acceptability versus political feasibility in the energy tax implementation process. E*nergy Policy* 34 (8), 940–949. Google Scholar

Гроз С. Шоу П. (2007). Ўсиш ва қайта тикланмайдиган ресурслар: капитал ва ресурс солиқларининг турли роллари / Growth and non-renewable resources: the

different roles of capital and resource taxes . *Journal of Environmental Economics & Management* 53 (1), 80–98. Google Scholar

ПОРЧЕР (2017) Франциядаги сув солиғи ва истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракати / Water Taxes and Consumer Behavior in France∗ Google Scholar https://hal.science/hal-02145848/document

Гао ва Йин (2016). Сув ресурслари солиқ тизимини яратиш бўйича тадқиқот: Сув ресурслари учун тўловларни ундириш тизими амалиёти таҳлили асосида/ Study on establishment of water resource tax system: Based on the analysis on practice of water resource fee collection system. J. Central Univ. Finance Econ. 36 (01), 23–31.

Рен (2020). Сув ресурслари солиғи ислоҳотининг оптимал стратегияси ва тўловларнинг адолатли кўриниши / The optimal strategy choice of the reform of water resources tax and feein fairness view. Res. Financial Econ. Issues 42 (04), 84–92. doi:10.19654/j. cnki.cjwtyj.2020.04.010

Ши, Као, Шао ва Ванг (2019). Ифлослантирувчи тўловларнинг иқтисодий ва экологик кўрсаткичларга таъсири: Хитойнинг Шандонг провинсиясидан олинган далиллар / The effect of pollutant charges on economic and environmental performances: Evidence from Shandong Province in China. J. Clean. Prod. 232 (09), 250–256. doi:10.1016/j.jclepro.2019.05.272

Чжоу, Линг ва Сун (2019). Маҳаллий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш солиғи учун маржинал харажатлардан келиб чиққан ҳолда солиқ ставкасини белгилаш усулини ўрганиш / Study on the method of setting tax tate for local environmental protection tax based on marginal cost[J]. Chin. J. Environ. Manag. 11 (01), 84–89. doi:10.16868/j.cnki.1674-6252.2019.01.084

Ванг, Шао, Стеенберген ва Занг (2017) Шимолий Хитойда суғориладиган ер ости сувларини ишлаб чиқариш учун олдиндан тўланган ақлли ҳисоблагич тизимини жорий қилиш: ҳолати ва муаммолари / Implementing the Prepaid Smart Meter System for Irrigated Groundwater Production in Northern China: Status and Problems. https://www.mdpi.com/2073-4441/9/6/379

Гурион (2019) Исроил сув тизими айлана иқтисодиёти бизнес модели мисоли / ISRAELI WATER SYSTEM A Circular Economy Business Model Case. https://milkeninnovationcenter.org/wp content /uploads/2019/09/R2Pi _Case-Study-Report_Israel-Water_FINAL-2.pdf

Айдин, Йилдирим, Файрап ва Ўздал Суғориладиган сувдан олдиндан тўланадиган сув ҳисоблагичлар орқали фойдаланишни авроф-муҳитга ва сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга таъсири: Туркиядаги мисолида /The effects of measuring irrigation water using prepaid water meter on water saving and environment: a case study from turkey. 3 rd World Irrigation Forum (WIF3) 1-7 September 2019, Bali, Indonesia.

https://www.researchgate.net/publication/48854948_Pricing_Irrigation_Water_A_Review_of_Theory_and_Practice